

□ Андижон вилоятидаги Хонобод шахрида 844 ўқувчи ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

□ Хиндистонда бир гуруҳ ортопедлар тажриба айир-бошлаш учун Тошкентга келдилар. Улар «Ортопедия» ҳис-содорлик жамиятида ўзбек ҳамкасблари билан бирга таъ-ни ҳаракат аъзолари шикастланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадилар, бу борадаги тажриба билан ўртоқ-лашадилар.

ҲАМАДУШЛИҚДА

□ Бугун кечкурун кеча Арманистонда бўлиб ўтган пре-зидент сайловларининг дастлабки натижалари эълон қи-линади. Кузатувчиларнинг фикрича, давлат раҳбари ла-возими учун кураш олиб борган тўрт номзоддан бирон-таси ҳам биринчи турда кўпчилик овозини ололмайдди. Шу сабабли нисбатан кўпроқ овоз олган икки номзод ўрта-сида иккинчи тур сайловлари ўтказилиши кутиляпти.

□ Чеченистон сепаратчилари раҳбари Зелимхон Ян-дарбиевнинг Москвага ташириш сентябрь ойи охири-лага кечиктирилди. Бу музокаралар ўтказиш учун тайёр-гарлик ишлари нияҳосига етмаганлиги билан изоҳлан-моқда.

□ Украинада савдо майдони 20 квадрат метрдан кам бўлган нуктадарга, яъни кичик дўконларда спиртли ичи-мликлар сотиш ман этилди.

□ Россия Президентини операция қилиши кутилаёт-ганини айтганда, бу операциянинг натижаси ҳақиқатан ҳам

Еълъннинг хозирги соглиги сабабли бир-икки ойга кечиктирилиши ёки операция мухомаз ўтказилмаслиги мумкин.

ХИРЛАНДА

□ Ирландиянинг Дублин шаҳрида Еуропа Иттифогига аъзо мамлакатларини молия вазирлари бу қўта ташкilotнинг умумий валютаси — евро—ни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни муҳозама этялтилар.

□ Грецияда Бош вазирнинг вафот этиши муносабати билан кеча бўлиб ўтган муддатдан илгари ялли сайловларда дастлабки маълумотларга караганда ҳукмрон Социалистик партия галаба қозонди.

□ Бутун Япония Бош вазистри Р. Хасимотанинг АҚШга уч кунлик ташрифиди бошланди. У АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашади, БМТ Бош Ассамблеясининг 51-сессиясида нутқ сўзлайди.

□ Ҳиндистоннинг собик Бош вазистри Нарасимха Рао собиқ ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партияси раиси лавозимидан истеъфога чиқди. У молиявий қонунобузарликларда айбланмоқда.

□ Швейцариядан сўнг АҚШнинг Нью-Йорк шаҳоридаги

федератр заҳурида бақайд ҳақиқатан қишлоқларнинг ишчи пайтағна икки тонна олтини сақланаётгани маълум бўлди.

□ Ошқор этилган ўта махфий ҳужжатлардан АҚШнинг 35-Президенти Жон Кеннедининг 1963 йил 22 ноябрда Даллас шаҳрида отиб ўлдирилишида ўша пайтдаги вице-президент Линдон Жоисоннинг қули борлиғи аён бўлди.

□ Польшанинг собиқ президенти Лех Валенса 160 минг АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда солиқ тўламаганлиқда айбонлапти. Лех Валенсанинг ўзи бу сиёсий мухолифатчилари кирдиқорлари, деб бир тийин ҳам солиқ тўламаслигини айтиди.

Н — БИРИНЧИ ГУРУХДА!

тантнали очилишидан сўнг ҳал қилувчи беллашувга жұфтликлар тушишди. Гап шундаки, Дэвис Кубоги мусобақалари бешта учрашувдан иборат бўлиб, унинг дастлабки учтасида ғолиб чиққан жамоа қолган ҳисоблардан қатъий назар кейинги босқувча чиқиши муқаррардир. Шундай қилиб, Огородов — Томашевич жұфтлигимиз бу гап ҳам ўз рақибларини учта сетга 6/3, 6/2, 6/2 ҳисобида доғда қолдиришди ва мусобақанинг умумий ҳисоби 3:0 бўлди.

Кеча Дэвис Кубогининг охириги икки учрашув бўлиб ўтди. Бу гап Олег Огородов Наҳотрон Сричанпан билан кул синашди. Дастлабки сетда Олег 6/3 ҳисобида устун қелган бўлса-да, иккинчи сет рақибининг ғойадасига ҳал бўлди — 7/5. Фақат ҳал қилувчи учинчи сет-

дагина Олег катта маҳорат кўрсатиб, уйин тақдирини ўз ғойадасига ҳал этди — 6/3. Д. Томашевич эса Т. Сричанпани 6/0, 6/3 ҳисобида енгиди. Ушбу беллашувдан сўнг ҳар икки терма команданинг энг яхши уйин кўрсатган теннисчилари — Д. Томашевич ва Н. Сричанпанларга махсус совринлар топширилди.

Шундай қилиб Дэвис Кубогининг минтақавий мусобақаларининг финал беллашув-и Ўзбекистон терма жамоасининг 5:0 ҳисобидаги ажойиб ғалабаси билан аяқланди. Бу демакки, кеча Ўзбекистон терма жамоаси учун ҳеч унутилмас ва қутлуг қул бўлди. Тенниссимизнинг жаҳондаги нуфузи яна бир поғонага ортиб, ҳамюртларимиз биричи гуруҳ жамоалари сафидан ўрин олишди.

Дилшод ИСМОИЛ.

Каратэ

ШАҲАРЛАРИМИЗ

жасида буюк таваллудининг қилган қарат-
ла бўлиб ўт-
та таркибда
ясининг тер-
эти.

урухлари ва 14
орди қозғис-
лар қатнашиш
қирғоғини жаҳон
парказий Осиё
лақро мусоба-
қатнашган спо-
ртнинг сал-

ати бўлаёт-
ни, 8 кумуш ва
сохиби бўлиш-

факятли қатнашдилар. О. Қосимов, И. Қари-
мов ва С. Аҳмедовлардан иборат учлик фи-
налда Қозғистон терма жамоасини мағлуб
этиб, яна бир олий шишонни қўлга киритди.
Шунга таъкидлаб ўтиш ўринлики, Тошқент ша-
ҳар қарата федерациясини терма жамоасини хал-
қро турнирга Нурхон Нафасов, Арслон Илов
ва Хўжакул Хўжакулов каби таърибали му-
раббийлар тайёрлашди.

— Пойтахтимизнинг ёш қаратқичилари ўз га-
баларини буюк сохибқирон бобоми Амир
Темурут таваллудининг 660 йиллигига бағиш-
лашди, — дейди биз билан суҳбатда Тошқент
қарата федерациясининг масъул қотиби А-
ҳмад Сабагинов. — Хозир жамоамиз шу йил-
нинг октябр ойида Андижон шахрида бўлиб
ўтганидан республика чемпиониати ҳамда Жа-
нубий Африка Республикасининг Йоханнесбу-
рг шахрида бошланадиган жаҳон чемпионати-
га тайёрларлик кўрмокда.

Даврон НУРМАТОВ

Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жонз бўлса, белгилловчи аҳамиятга эгадир.

Ислом КАРИМОВ.

Фармон ва ижро

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

Республикаимиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» 9 сентябрда қабул қилган Фармонида бу соҳадаги вазифалар аниқ кўрсатиб берилди. Мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шухрат Жалиловдан ушбу Фармонни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди, уларни писанд қилмаган халқ пировард оқибатда таназзулга юз тутаяди. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддоаларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгаришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлади Президентимиз, — деди Шухрат Жалилов.

— Дарҳақиқат, республикаимиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» 9 сентябрда қабул қилган Фармони зиёлилар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, ўқитувчи-мураббийлар, умуман, кенг жамоатчиликни руҳлантириб юборди. Ҳар қандай жамиятни маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Асрлар синоидан ўтганидек, халқи маънавий ҳижатдан қашшоқ мамлакат ҳеч қачон буюк давлатни қура олмайди. Тарихдан маълумки, Шарқда қадим даврлардан маънавиятга катта аҳамият берилган. Маънавият мустақил мамлакатимиз иқтисодиёти бозор муносабатларига қаршилик. Ёш давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиш учун дастлабки дадил қадамларни қўйди. Саноат ишлаб чиқаришида қатор корхоналарда барқарорликка эришилди, ўсиш бошланди. Бироқ бозор муносабатларига фақат иқтисодий омиллар билангина эмас, юксак маънавият билан ҳам бўриш керак. Шундай экан, бугунги кунда халқимизнинг маънавий иқтисодиётини янада такомиллаштиришга ҳурмат руҳида она ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш барча ишларимизнинг асосий мазмунини ташкил этиши лозим. Маънавиятни мустаҳкамлаш ва бойитиш учун меҳнат ва маблагини аниқ, ўз келахақиқимизга бўлган уриш, деб ўқирмоқда юртбошимиз.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши маърифий ишларни тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, ёшларимизда Ватан туйғусини шакллантириш зарур. Бу ишни фарзанд дунёга келган кундан — оила, болалар боғчасидан бошлаш керак. Мактабларда ўқувчиларимизда Ватан тақдирини ўқиб билиш ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак. Қувручи ўз меҳнати самарасини 1—2 ойда — тез фурсатда куриши мумкин. Лекин инсонни маънавий камол топтириш учун кўп куч ва меҳнат сарф қилиш керак. Халқимиз маънавиятини янада бойитиш учун улусқисиз, муназаам олиб беришимиз, маданий-маърифий ишларни жонлантиришимиз, тарбиявий ишларни кучайтиришимиз даркор. Тарбиявий ишларимиз миллий қадриятларимизга асосланиши керак.

Ўқинда Президент Фармонининг бажарилиши юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими алоҳида фармойиш қабул қилди. Унга асосан Ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳи таркибига халқаро «Олтин мерос» фонди, Республика «Камолот» жамоатчаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, туман ҳокимлари, тарбия соҳаси ходимлари вакиллари киритилди. «Маънавият ва маърифат» маркази барча бўлимларини жой, алоқа воситалари билан таъминлаш масалалари ҳал бўлди.

Ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси ўтказилди. Унда шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов иштирок этди. Мажлис қатнашчилари Фармонни бажариш юзасидан тадбирлар белгилашди. Барча туман ҳокимликлари, тегишли ташкилот ва муассасаларга ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан мутаассадди ташкилотларга жойларда тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Маънавиятни юксалтириш келахақи буюк давлат қуришининг энг муҳим омилларидандир. Шундай экан Тошкент шаҳри барча соҳаларда бўлгани каби миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда мустақил давлатимизда ибрат бўлиши керак.

Машхура МИРЗАМУХАМЕДОВА ёзиб олди.

МУАЛЛИМ НУФУЗИ

Жамиятимизда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда ўқитувчи, мураббийлар алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса, бугунги кунда ёшларни ўқитиш меросимизга, она Ватанга, халқимизга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг роли беқиёс.

Президентимиз республикаимиз жамоатчилиги диққатини маънавият ва маърифат масалаларига қаратаётганлиги ҳам келахақиқимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.


Мустақил давлатимизда ўқитувчи ва мураббийларга нисбатан раҳмхушлик кунайди. Уларнинг олийк маошлари оширилди. «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвони таъсис этилди, имтиёзлар берилди.

Президентимизнинг шу йил 9 сентябрда эълон қилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» 9 сентябрда қабул қилган Фармонида 1 октябр — «Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni» деб эълон қилинганлиги ҳамда дам олиш кuni деб белгиланганлиги ана шу раҳмхушликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.


Бу биз ўқитувчи ва мураббийларни уқимизда гунаҳлари бўлган фарзандларимизни буюк аъёнларимизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик, ватанпарварлик, истиқлолимизга садоқат руҳида тарбиялашга даъват этади. Сир эмаски, кейинги пайтда айрим ўқитувчилар ўз касбидан зомиш ҳоллари учраётганлиги. Бугунги кунда бу касбга қизиқиш яна ортомқда. Президентимизнинг мазкур Фармони ўқитувчи ва мураббийлар қад-қимматини оширишга хизмат қилиш билан бирга, халқимиз маънавиятини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Раъно АЗИМБОВА,

Юнусовод туманидаги Саиджон Калоннов номи 96-ўрта мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси, олий тоифадаги иxtирочи ўқитувчи.



СУРАТДА: шаҳримиздаги 16-мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳноз Саидова. Рустан Шарипов ва Раъно Азимбова олан суратлар.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Республикаимизда фаолият кўрсатган «Истеъдод», «Ижодкор», «Маданият», «Миллий ва ижтимоий барқарорлик» жамоатчилиги, «Ўзбекистон тарихий-маданий «Ёлғорлик» жамияти биллашиб, халқаро «Олтин мерос» хайрия фонди тўғрисида. У ҳозирги кунда ўз фаолиятини кенг миқёсда бошлаб юрди.

Хайрия фондининг юксак республикаимиз ҳудудига маъжуд бўлган ва турли сабабларга қўра хорижий мамлакатларга тарқалиб кетган, миллиятимизнинг фахри, ифтихори, аждодларимиздан қутлуг хотира бўлган ноёб қўлмашларни, нодир асарларни, халқ ҳунармандчилигига оид намуналарни, давлатчилигимизга тегишли қимматбаҳо ҳужжатларни, санъатимиз арбобларининг миллиятимизни улғайтиришда архив материалларини, XX аср ўзбек маданиятини яратган буюк арбобларимизнинг эсдаликларини, хуллас нимаки миллиятимизнинг фахри, ифтихори саналса ана шуларни йиғиб, миллий музей, миллий кутубхона ташкил этишди. Буларни йиғишдан мақсадимиз уларни тарғибот қилиш асосида миллиятимизга ўзининг буюк ўрнини англатиш, ёшларимизда она Ватандан фарҳанглик ҳиссини тарбиялашдир.

Шу йил 4 сентябр кuni Президентимиз ҳузурида «Маънавият ва маърифат» марказининг раҳбари Неймат Аминов, адабиётшунос олим Озод Шарифидинов, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, бастакор Шермат Ерматовлар иштирок этган республикаимиз маънавий дунёсининг таҳлили, маънавият ва маърифат оламида олиб борилаётган қизғин ишлар ҳақида сўхбат бўлди. Сўхбат давомида давлатимиз раҳбари халқимизнинг бугун ҳар қачонгидан ҳам уюшганлиги, мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидойи меҳнат қилаётганлигидан мамнун эканликлари айтилди. Сиёсатда, иқтисодда ва маданиятда эришаётган, нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳон бўйлаб оёру топаётганлигининг омилларидан бири шу жиҳатидир, уюшганлигимиз деб таъкидланди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллигини байрам қилаётганлигимизда бу байрамга салкам беш миллион аҳоли иштирок этганини қўриб байрам тантаналари ҳар бир кишининг қувончи, чинакам шодлиғасига айланганини ҳис этдик. «Бу 1991 — 1992 йилларда қилган буюк орузимизнинг рўёбга чиқишидир, — дедилар юртбошимиз, — ҳамонки, юртимизда барқарорлик, аҳиллик тантана қилаётган экан, иқтисодимиз юксалиш йўлига тушиб олган экан, дедимки асосий эътиборимизни

миллатимизнинг маънавиятини бойитишга, маърифатини юксалтиришга қаратишимиз, бу йўналиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиши керак».

Миллий қадриятлар деганимизда биз нимани тушунамиз? Аввало миллиятимизнинг руҳий ва маънавий дунёсини тўлдириб турган барча нарсаларни кўзда тутамиз. Бизни едириб, кийинтириб турган она замин, серсўв дарёлар, бепоян водийлар, осмонлар тоғлар ва низоат салкам беш минг йил

лон қилинган эди. Уларнинг ҳарбий санъати, миллат маънавиятини бойитишга, Марказий Осиё халқлари мўғул асоратидан қутилиб, бирлашувига қўшган буюк ҳиссаларини инкор қилибгина қолмай, улар ҳақида ёшларимизга тўлиқроқ маълумот беришимизга йўл қўйилмасди. «СССР тарихи» деб аталмиш тарих китобида ўзбек халқи тарихини ўрганмишга бор-йўғи саккиз соатлик дарс ажратилган эди, холос. Кушон империясидан тугатилган хонликларгача бўлган тарихи

тишга ҳамда миллий ҳолатимизни сақлаб қолишга ҳисса қўшган маданиятимиз арбобларининг архивларини йиғиш, улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни тўплаш ишини бошлаб юборди.

Комил Яшин, Халима Носирова, Сора Эшонтураева, Карим Зокировлар хонадонининг — халқ артисти номларини олган фарзандларининг ўзбек санъатини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаларини, илм-фан арбобларидан Мухаммадjon Комиллов, Восил Қобулов, Иброҳим Ҳамробоевларнинг дастлабки архив материалларини ўрганишга улғурдик.

Бир нарсани рўй-рост айтишимиз керак. Социализм мафқураси қуршоғида бўлган пайтимишда ўтмиш қадриятларини эъзозлаш қайфиятидан маҳрум эдик. Ҳамма нарсасга эскилик сарқити, деб қарашга ўргатишган эдик. Натижада қўнчилиқда қадриятларимизни йиғиш ва тўплаш орузси сўниб кетган эди. Биз қадриятларимиз миллиятимизнинг нафақат бойлиги, балки орномуси, виждони ҳам эканлигини, уларни ўрганиш ва йиғиш халқимиз бурчи эканлигини ёш авлодга тушуниришимиз керак. Кўп ҳолларда руҳияти ва этиқолида Европо маданияти ва социализм мафқураси ҳукмрон бўлиб қолган ёшларимиз учрайд.

Биз ёшларимизнинг маънавий дунёсини шакллантириш мақсадида ана шу унутилган қадриятларимизни телевидение, радио, матбуотда кенг тарғиб қилиш ишларини бошладик.

Қадриятларимиз тарихида халқ оғзаки ижоди намуналари асосий ўринини эгаллайди. Эртақлар, лапарлар, термалар, топишмоқлар, чистоналар, маросим қўшиқлари ёшлар тарбиясида, яъни уларда миллий руҳни шакллантиришда катта ўрин тутаяди. Ахлоқ нормаларини тушуниришда жамиятнинг яшаш тарзини баддий услубда тарғиб қилишда эртақларга тенг келадиған жанр йўқ. Умуман туркий тилларда яратилган эртақлар ахлоқ қомусига ўхшайди. Шунинг учун биз Франция ва Япония элчионалари маданияти марказлари билан ҳамкорликда Фаргона водийсига, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларига профессор Фозила Сулаймонова, доцент Абдуғафур Расулов бошчилигидаги экспедицияни жўнаштишга тайёрларик қўймоқдамиз.

Амалга оширган ишларимиздан қилаётган юмушларимиз кўп. Миллатимиз, авлодаждодларимиз покиза хотирасини улғулаш ҳаракатини бошлаган эканмиз, бу ҳаракатда жамиятимизнинг барча аъзолари иштирок этишлари даркор.

Худойберди ТўХТАБОВ, халқаро «Олтин мерос» хайрия фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Мустақилликка эришган мамлакатимизда тарихий меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни қадимги меъморий аъёнлар руҳида қайтадан таъмирлаш ишларига алоҳида аҳамият беришмоқда. Бинобарин халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликни сақлаш ва таъмирлаш муҳим вазифаларимиздан биридир. Ушбу суратларда таъмирланган тарихий ёдгорликлар чиндан ҳам бизни буюк бойлигимиз, уларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ана шундай бурч туйғусини сингдириш аввало мактабдан бошланиши керак. Шу жиҳатдан оғанда шаҳримиздаги 23-мактабининг ўқитувчилар жамоаси, жумладан Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ботир Нуъмонов (ўртада) ўқувчилар қалбига маънавият ва маърифат туйғусини жон дили билан олиб кираётган минглаб мураббийлардан биридир.

АЁЛИ АРДОҚЛИ ЭЛ

Ўзбек халқи асрий орузсига эришди, мамлакатимиз мустақиллик деган буюк эркинликни қўлга киритди. Янги жамият барпо этар эканмиз, янги тафаккурли кишилар шу жамиятнинг олға бошловчи кучга айланди. Бундай инсонларни етказишда маданият, маориф, умуман маънавият муҳим ўринини эгаллайди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мафқура — маънавиятимиз биринчи ўринга қўйиб, айниқса ёш авлодини комил инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратмоқда.

Инсон яшар экан, фақат еб-ичиш, яхши кийиниш, фаровон турмуш кечирish билангина ҳаёт кечиролмайди, унга маънавий-маданий озиқ керак. Бу илм-фан, ақл-заковат, санъат-адабиёт, касб-урун, ҳиймат-иبراتдан иборат бўлиши керак. Ана шунда ҳар томонлама одоли, комил инсонлар етишад. Бундай халқнинг шухрати дунёга таралиб, мамлакат чинакам буюк давлатга айланади. Маънавияти бой инсонлар кўп бўлган жамият гурирар ўсади ва халқи тўлиқ фаровонликка эришади. Қадимги файласуфлару донишмандлар маънавият, одо-ахлоқ жамиятнинг пойдевори деганлар. Шунинг учун жамият ҳар бир аъзосининг маънавий етуклигига алоҳида эътибор берилади.

Кейинги пайтларда юртимизда инсонларнинг жамият таъини асосий қисми ўрнини янада кучайтиришга, ҳаётимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларга жалб этишга катта аҳамият берилаётгани қувончи ҳолдир.

Аёллар — мунис она, меҳрибон сингил, дилбанд опа, толмас меҳнатқаш, садоқатли ва фарогали уй бекаси! Аёл қалбини дарёга ўхшатишди. Чунки унинг қалб чашмасидан оила ҳам, фарзандлар ҳам — ҳамма-ҳамма баҳраманд бўлади. Хонадондаги саришталик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик, тўқин-сонилик, рўзғордаги қутбароқ, фарзандлар маънавий баркамоллигининг асосий омилли аёл — онадир.

Аёлнинг бахтини, онининг саводатини аёлларнинг тақдирдан ахратиб бўлмайди. Қо-бил, фозил, оқил фарзанд она дилига қувонч ва гурур бағишлайди, унинг ҳаётини мазмундор қилади. Она қалбиди меҳр туганмас дарёдир ва у ҳар қанча фарзандни ердоклашга етади. Аммо оилага ҳам, жамиятга ҳам фойда етказадиган меҳнатқаш, одоли, билимдор, юксак маданиятга эга аёлларнинг вояга етказиш учун меҳрининг ўзи қифол қилинади.

Унга аёлнинг донолиги, ақл-заковати, сабр-дорлиги, фарзандларини меҳнатга солиб чиқариши, турмуш ўртоғига садоқатлиги, ҳурматини жойига қўйиши, қайнота-қайнона, қайнона-қайнона билан қўнчилишга ана шунда бундай онани бахтли оила деса бўлади.

Халқимизда: «Оила фарогали — хотиндан», «Аёл — оила чироғи», «Аёл — оила устун» деган мақоллар бежиз айтилмаган. Аёл зиммасидаги масъулиятли вазифаларини ўзининг донолиги, ақл-заковати, маънавий баркамоллиги билангина бажариш олим қудратига эга бўлади. Оила бахтини иқтисодий ҳаётдан ажратиб қараш нотўғри. Зотан халқ бахти оила бахтидир. Ҳар бир оила Ватан, халқ манфаати йўлида ўз ҳиссасини қўшаши лозим. Майли, кичик бўлсин, лекин мустақил Ўзбекистонимиз раванкига ўз ҳиссасини қўшаган оилани бахтли оила деб бўладими?

Эр билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган аёлнинг турмуши тотув, закли ўтади. Қим бўлиб хизмат қилишдан қатъий назар, шифокорлар, ўқитувчилар, ишчилар, деҳқонлар, ўз халқи бахти йўлида тер тўқатган аёл, шубҳасиз бахтирдир. Шу билан бирга ҳар аёл ўз бекалик, оналик вазифасининг ижтимоий ҳаётдаги меҳнат билан олиб боради.

Ойшахон ТўРАЕВА, профессор

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги «Мамурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объекларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳридаги эски тузум ва коммунистик мафкурага оид жойлар номларини тартибга солиш ҳақидаги шаҳар Топонимия комиссиясининг тақлифларини қўриб чиқиб, эски тузум ва коммунистик мафкурага оид кўча ва мактаблар номларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тегишли бош бошқармалар ва туман ҳокимликларига масқур қарор бўйича ўзгартишларни бир ой ичида амалга ошириш вазифаси юклатилди. Номини ўзгарган кўчаларда истиқомат қиладиган аҳолини қайта рўйхатдан ўтказиш, янги кўрсат-

кичлар ҳамда номини қўйилган кўчалар бошига бу кишилар ҳақида ёдгорлик лавҳаларини, кўча тасвирини ифодаловчи чизмалар таштасини ўрнатиш белгилан қўйилди. Бу ўзгартишлар ҳақида ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва алоқа хизматлари хабардор этилиши лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996 йил 17 майдаги қарорига кўра кўча кўрсаткичлари ва тегишли бошқа ёзувлар лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ёзилиши таъминланиши зарур.

Эски тузум ва коммунистик мафкурага оид ўзгартирилган кўча номларини олиб ташланишини назорат қилиш шахсан туман ҳокимлари зиммасига юкланди.

Тошкент шаҳридаги эски тузум ва коммунистик мафкурага оид кўча номларини

ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

№	Ҳозирги номи	Янги номи	Ақмал ИКРОМОВ тумани:	Изоҳ	№	Ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
1.	Ильич кўчаси	Зулфизар кўчаси	Ўзбек халқ достони номларидан бири. Ушбу кўчадан таникли фольклоршнос олимлар етишиб чиққан	11.	Хлебников кўчаси	Шофиркон кўчаси	Маҳалла номи Ф. Ҳўжаевнинг ватани Бухоро жойларига боғланмоқда	
2.	Ильич 3-тор кўчаси	Зулфизар 1-тор кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	12.	Бауман кўчаси	Қуйи Посира кўчаси	Жойнинг тарихий номи	
3.	Ильич 4-тор кўчаси	Зулфизар 2-тор кўчаси	Бир хил номдаги туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	13.	40-лет Комсомола кўчаси	Сайрам кўчаси	Маҳалла номи Аҳмад Яссавий туғилган жой номи. Маҳалла номига боғланмоқда	
4.	Октябрь даҳаси	Бекобод даҳаси	Жойнинг тарихий номи	14.	Даргомижской 1-4 проездлари	Сайрам 1-4 тор кўчалари	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	
5.	Олег Кошевой кўчаси 1-5 тулиги	Тўрттортар кўчаси 1-5 берк кўчаси	Жойнинг тарихий номи	15.	Карамзин кўчаси	Ясси кўчаси	Аҳмад Яссавий тахаллус қилиб олган шаҳар номи	
МИРОБОД тумани:					16.	Губкина кўчаси	Исмоилола кўчаси	Аҳмад Яссавий авлодига мансуб тарихий шахс. Маҳалла номи билан боғланмоқда
1.	Александров кўчаси	Водил кўчаси	Фаргона йўли кўчасига туташ бўлганлиги учун	17.	Зелинский кўчаси	Каландар кўчаси	Каландар, дарвеш маъносиди. Асосий кўчага мантиқан уйғунлаштириш мақсадида	
2.	Александров 1-проезди	Водил 1-тор кўчаси	Бир хил номдаги туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	18.	Маресев кўчаси	Каландар тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	
3.	Александров 2-проезди	Водил 2-тор кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	19.	Полосная кўчаси	Қутб кўчаси	Кўча номларини миллийлаштириш мақсадида	
4.	Александров 3-проезди	Водил 3-тор кўчаси	Асосий кўчага боғлиқ бўлганлиги учун	20.	Бийская кўчаси	Арслонбоб кўчаси	Яссавий устози. Жойдаги номлар Аҳмад Яссавийга боғланмоқда	
5.	Александров 1-тулиги	Водил 1-берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	21.	Почтовая кўчаси	Моҳларойим кўчаси	Нодирабегим маҳалласи жойлашган. Нодирабегимнинг асл исми	
6.	Александров 3-тулиги	Водил 2-берк кўчаси	Бир хил номдаги кўча номлари уйғунлаштирилмоқда	22.	Лубенцов кўчаси	Ойшахонум кўчаси	Шу маҳаллада жойлашган. Нодирабегим устози	
7.	Болгарские огорода кўчаси	Сурхон кўчаси	Кўча номини миллийлаштириш мақсадида	23.	Калинин кўчаси	Нишопурий кўчаси	IX асрда яшаб ўтган йирик тарихчи олими	
8.	Будённый кўчаси	Мироншоҳ кўчаси	Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли. Тошкент шаҳрига ва вилоятига ҳокимлик қилган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан	24.	Центральный кўчаси	Нишопурий 1-тор кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	
9.	Будённый 1-проезди	Мироншоҳ 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	25.	Жданов кўчаси	Лончиг кўчаси	Капаннинг қадимги номи. Жой номига уйғунлаштириш мақсадида	
10.	Будённый 2-проезди	Мироншоҳ 2-тор кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	26.	Волков кўчаси	Лончиг 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	
11.	Будённый 3-проезди	Мироншоҳ 3-тор кўчаси	Бир хил номдаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	27.	Киров кўчаси	Калатой кўчаси	Машҳур ўзбек-туркий уруғ номи	
12.	Будённый 4-проезди	Мироншоҳ 4-тор кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	28.	Ангарская кўчаси	Дукчишон кўчаси	Миллий озодлик ҳаракатида ёрқин из қолдирган тарихий шахс	
13.	Будённый 1-тулиги	Мироншоҳ берк кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	29.	Гастелло кўчаси	Мунавварқори кўчаси	Миллий ҳадиқчилик оқимининг ёрқин намончаларидан бири	
14.	Вревская кўчаси	Оқбилот кўчаси	Фаргона вилоятидаги жой номи. Фаргона йўли кўчасига туташ бўлганлиги учун	30.	Ховренко кўчаси	Обиравон кўчаси	Ариқ бўйида жойлашганлиги учун	
15.	Вревская 1-проезди	Оқбилот 1-тор кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	31.	Карл Маркс кўчаси	Кўрагоний кўчаси	Хон қўеви маъносиди. Амир Темурга берилган унвон	
16.	Вревская 2-проезди	Оқбилот 2-тор кўчаси	Асосий кўчага боғлиқ бўлганлиги учун	32.	Оржоникидзе кўчаси	Ивишарик кўчаси	Жойдан ўтадиган ариқ номи	
17.	Вревская 3-проезди	Оқбилот 3-тор кўчаси	Асосий кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида	33.	Большевик кўчаси	Тама кўчаси	Жойда истиқомат қиладиган уруғ номи	
18.	Вревская 4-проезди	Оқбилот 4-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	34.	Поль Лафарг кўчаси	Чуст кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида	
19.	Вревская 5-проезди	Оқбилот 5-тор кўчаси	Бир хил номдаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	35.	Морес Торез кўчаси	Ахиллик кўчаси	Маҳалла номига уйғунлаштирилмоқда	
20.	Гайдар кўчаси	Янгизамон кўчаси	Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан	36.	Ленинских курсантов кўчаси	Лашкарлар кўчаси	Кўча бошида Мудоффа вазирлиги борлиги учун	
21.	Гайдар 1-проезди	Янгизамон 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	СОБИР РАҲИМОВ тумани:				
22.	Гайдар 2-проезди	Янгизамон 2-тор кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	1.	Қизил партизан кўчаси	Байроқтол кўчаси	Жойнинг тарихий номи	
23.	Гайдар 3-проезди	Янгизамон 3-тор кўчаси	Асосий кўчага туташ кўча номи уйғунлаштирилмоқда	2.	Қизил Партизан проезде	Байроқтол тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	
24.	Гайдар 4-проезди	Янгизамон 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	3.	Пищевик кўчаси	Абубақир Шоший 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	
25.	Зоя Космодемьянская кўчаси	Барчиной кўчаси	Ўзбек халқ достони «Алпомиш» қаҳрамонларидан бири. Кўча номини миллийлаштириш мақсадида	4.	Тевосян кўчаси	Минора кўчаси	Жой минорага яқин бўлганлиги учун	
26.	Кафанов кўчаси	Авлиёта кўчаси	Туркистон шаҳрининг қадимги номи. Кўча номини миллийлаштириш мақсадида	5.	Урстатевский кўчаси	Обиназир кўчаси	Жой номларини миллийлаштириш мақсадида	
27.	Кафанов 2-муолиши	Авлиёта 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	6.	ст. Шумилов кўчаси	Чўқурсой бекати кўчаси	Туташ кўчага уйғунлаштирилмоқда	
28.	Кафанов 2-проезди	Авлиёта 2-тор кўчаси	Туташ кўча номлари уйғунлаштирилмоқда	7.	Шумилов станцияси	Чўқурсой бекати	Жой номига боғлиқ бўлганлиги учун	
29.	Кафанов 4-проезди	Авлиёта 3-тор кўчаси	Туташ кўча номлари асосий кўча номи билан уйғунлаштирилмоқда	8.	Калинин-Мавзук кўчаси	Файзйибалан кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида	
30.	Кафанов 1-тулиги	Авлиёта 1-берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	9.	Калинин-Мавзук 1 ва 2 проезде	Файзйибаланд 1 ва 2-тор кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида	
31.	Кафанов 2-тулиги	Авлиёта 2-берк кўчаси	Асосий кўча номи билан уйғунлаштирилмоқда	10.	Юлей проезде	Абубақир Шоший 2-тор кўчаси	Асосий кўча номига боғланмоқда	
32.	Кафанов 3-тулиги	Авлиёта 3-берк кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	11.	Қизил қўшин кўчаси	Хумайро кўчаси	Рамзий афсонавий қўшиннинг эрқаланган шакли	
33.	Кафанов 4-тулиги	Авлиёта 4-берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	12.	Қизил қўшин проезде	Хумайро тор кўчаси	Асосий кўчага боғлиқ бўлганлиги учун	
34.	Клара Цеткин кўчаси	Саййид Барака кўчаси	Амир Темур пирларидан бири. Буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан	13.	1-Спутник кўчаси	Қичқирик кўчаси	Жойдан ўтадиган ариқ номи	
35.	Кочуринер кўчаси	Иноқобод кўчаси	Кўчада турли миллат вакиллари дўст ва иноқ яшашлиги назарда тутилиб қўйилмоқда	14.	2-Спутник кўчаси	Қичқирик 1-тор кўчаси	Жойдан ўтадиган ариқ номи билан боғланмоқда	
36.	Кочуринер 1-проезди	Иноқобод 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	15.	3-Спутник кўчаси	Қичқирик 2-тор кўчаси	Асосий кўча номи билан уйғунлаштирилмоқда	
37.	Кочуринер 2-проезди	Иноқобод 2-тор кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	16.	2-Спутник 1-тулиги	Қичқирик берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	
38.	Кочуринер 3-проезди	Иноқобод 3-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	17.	Чайка кўчаси	Қичқирик 3-тор кўчаси	Ёндош кўча номлари уйғунлаштирилмоқда	
39.	Кочуринер 4-проезди	Иноқобод 4-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш ҳамда миллийлаштириш мақсадида	18.	Мирний проезде	Қичқирик 4-тор кўчаси	Бир-бирига туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	
40.	Кочуринер 5-проезди	Иноқобод 5-тор кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	19.	Ленинчи 1-5 проезделари	Генерал Гофуров 1-5 тор кўчалари	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	
41.	Кочуринер тулиги	Иноқобод берк кўчаси	Туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида	ШАЙХОНТОХУР тумани:				
42.	Крупская кўчаси	Хонзодабегим кўчаси	Темурйўллар авлодига мансуб. Умаршайх мирзо кизи, Бобурнинг онаси. Кўча номини миллийлаштириш мақсадида	1.	Казанский кўчаси	Девонбег кўчаси	Жойнинг қадимий номини тиклаш мақсадида	
43.	Красин кўчаси	Мироншоҳ 5-тор кўчаси	Мироншоҳ (Будённый) кўчасига туташ бўлганлиги учун	2.	Кольцо Хризантема кўчаси	Олмазор муолиши кўчаси	Мавжуд кўча номини соддалаштириш ва миллийлаштириш мақсадида	
44.	Красноармейская кўчаси	Тулпор кўчаси	Кўча номини миллийлаштириш мақсадида	3.	Киевский проезде	Олмазор тор кўчаси	Мавжуд асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	
45.	Краснофлотская кўчаси	Севинчбону кўчаси	Мироншоҳ хотини. Шу номдаги кўчага уйғунлаштирилмоқда	4.	Маларний тулиги	Олмазор 1-берк кўчаси	Ўзаро боғлиқ кўчалар уйғунлаштирилмоқда	
46.	Октябрьская революция кўчаси	Қўшқўрик кўчаси	Кўча икки қўриқдан ўтиши инобатга олиниб қўйилмоқда	5.	Пеньков тулиги	Олмазор 2-берк кўчаси	Асосий кўчадан қирилдиган берк кўча бўлганлиги учун	
47.	Павлов кўчаси	Моштабиг кўчаси	Тошкент шаҳрида яшаб ўтган машҳур табиғат халқ томонидан берилган ном	6.	Колочий тулиги	Олмазор 3-берк кўчаси	Туташ кўча номи билан уйғунлаштирилмоқда	
48.	Першин кўчаси	Оқйўл кўчаси	Кўчадан поезд йўли ўтиши назарда тутилиб, шу ном берилмоқда	7.	Многоройий тулиги	Қоратош берк кўчаси	Қоратош кўчасига туташ бўлганлиги учун	
49.	Першин 1-проезде	Оқйўл 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	8.	Известия кўчаси	Шоҳидонтепа кўчаси	Жойнинг қадимий номи	
50.	Першин 1-муолиши	Оқйўл 2-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	9.	Гусев кўчаси	Кўча кўчаси	Жой номи	
51.	Першин 1-тулиги	Оқйўл берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	10.	Уфимский 1-проезди	Шофайзи 1-тор кўчаси	Шофайзи кўчаси билан Бехзод кўчасини боғловчи кўча	
52.	Поликовский кўчаси	Ҳамроз кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	11.	Уфимский 2-проезди	Шофайзи 2-тор кўчаси	Шу ҳудуддаги кўча. Асосий кўча номи билан боғланмоқда	
53.	Союзная кўчаси	Элтузар кўчаси	Сирдош, дўст маъносиди. Кўча номини уйғунлаштириш мақсадида	12.	Карпов кўчаси	Бехзод 1-берк кўчаси	Мавжуд Бехзод кўчасига туташ бўлганлиги учун	
54.	Союзная 1-проезди	Элтузар тор кўчаси	Турли миллат вакиллари бир оиладек яшаётганлиги назарда тутилмоқда. Халқлар бирлашуви маъносиди	13.	Охотник кўчаси	Бехзод 2-берк кўчаси	Мавжуд тор ва берк кўчалар номларини умумийлаштириш мақсадида	
55.	Союзная 1-тулиги	Элтузар берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	14.	Ворошилов кўчаси	Қўқсарой кўчаси	Жойнинг азалдан боғ-роғлигига боғланмоқда. Ёқуб Зиёев маҳалласиди ушбу кўча орқали вилоятдаги Қўқсарой деган жойга ҳам чиқиш мумкин	
56.	Шумилов кўчаси	Чамбил кўчаси	Афсонавий ўзбек қаҳрамони Гўрўгли бунёд этган шаҳар номи. Жой номини миллийлаштириш мақсадида	15.	Ленин кўчаси	Сойғузар кўчаси	Жойнинг сойлиқда жойлашганлиги назарда тутилмоқда. Ушбу кўча Қўқсарой кўчасига туташ	
57.	Шумилов 1-4 тулиги	Чамбил 1-4 берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	16.	Ленин кўчаси	Жарарик 2-тор кўчаси	Қўқсарой кўчасига параллел кетган кўча. Ҳозирги Юсупов кўчаси билан С. Раҳимов кўчаси оралиғида. Жой номи	
58.	Железнодорожная кўчаси	Темирйўлчилар кўчаси	Кўча номини ўзбекчалаштириш мақсадида	17.	Гормонский кўчаси	Сойбўйи кўчаси	Мавжуд Сойбўйи кўчасига қўшиб юборилмоқда	
59.	Красноводск кўчаси	Дангара кўчаси	Водийдаги жой номларидан бири. Атрофдаги кўчаларга уйғунлаштириш мақсадида	18.	Телеграф проезде, Фаол проезде, Фаол муолиши	Фаоллар кўчаси	Мавжуд қисқа, бир-бирига туташ кўчалар номи уйғунлаштирилмоқда	
60.	Красноводск 1-2 тулиги	Дангара 1-2 берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	19.	Полиграф проезде, Кошиқчи проезде, Фаол кўчасидаги 1-25 уйлар	Кошиқчи кўчаси		

ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳридаги эски тузум ва коммунистик мафкурага оид кўча номларини

ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

№	Ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ	№	Ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
10.	Менжинский кўчаси	Сувбўйи кўчаси	Ушбу кўча Қорасув ариғи бўйида жойлашганлиги учун	4.	Панченко кўчаси (Миробод ва Яққасарой тумани)	Шамс Қуллол кўчаси	Амир Темури пирларидан бири. Буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан қўйилмоқда
11.	Менжинский проезд	Сувбўйи тор кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	5.	Панченко тор ва берк кўчалари	Шамс Қуллол тор ва берк кўчалари	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида
12.	Каховский кўчаси	Авиасозлар кўчаси	Кўчада асосан авиасозлар истиқомат қилиши учун	6.	Николай Завражний кўчаси	Бадриддин Ҳилолий тор кўчаси	Мавжуд кўча номи билан уйғунлаштирилмоқда
13.	Каховский 1-2 проездлари	Авиасозлар 1-2 тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда	7.	Верацагин кўчаси	Хонқўжаота кўчаси	«Ракат» маҳалласида жоме масжидини қурдирган киши. Маҳалла ободчилигига ва аҳлиликка катта улуш қўшган
14.	Матросская кўчаси	Ахсикат кўчаси	Фарғона водийсидаги тарихий шаҳар номи. Ушбу кўчага ёндош ўш кўчасига уйғунлаштирилмоқда	8.	Гуцулов кўчаси	Юсуф Ҳамдоний кўчаси	Шарқнинг буюк мутасаввуфларидан бири
15.	Лобачёв кўчаси	Марв кўчаси	Темурий даврига оид йирик шаҳар номи	9.	Осипенко кўчаси	Хазиний кўчаси	Ўтган асрда яшаб ўтган таниқли шоир
16.	Лобачёв 1-проезди	Марв 1-тор кўчаси	Асосий кўчага туташ бўлганлиги учун	10.	Ростов кўчаси	Дамарик кўчаси	Жойнинг тарихий номи
17.	Лобачёв 1-3 тупиғи	Марв 1-3 берк кўчаси	Бир-бирига туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида	11.	Ростов проезд	Дамарик, 1-тор кўчаси	Асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
18.	Мальков кўчаси	Мурғоб кўчаси	Марғоба қишлоғидаги тарихий дарё номи. Кўча номларини мантиқан бир-бирига боғлаш мақсадида	12.	Смоленск кўчаси	Дамарик 2-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
19.	Красновосточная кўчаси (Темури Машиқ)	Султон Санжар кўчаси	Салжۇқийлар давлатининг йирик ҳукмдори. XII асрда Марв шаҳри унинг пойтахти бўлган	13.	Рафиқ Галимов кўчаси	Қуллолтурок кўчаси	Жойнинг тарихий номи
20.	Целиноград кўчаси	Махнунтол кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида	14.	Шпильков кўчаси	Ракатбоши кўчаси	Жойнинг тарихий номи
21.	Целиноград 1-2 тор кўчаси	Махнунтол 1-2 тор кўчаси	Туташ кўча номлари уйғунлаштирилмоқда	15.	Шпильков проезд	Ракатбоши тор кўчаси	Асосий кўча номи билан уйғунлаштирилмоқда
22.	Сеченов кўчаси	Қўприқли кўчаси	Кўчанинг Қорасув ариғи устидан ўтиши эътиборга олиниб қўйилган	16.	Шпильков 1—2 проезд	Ракатбоши 1—2 тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда
23.	Сеченов муқолиши, проезд ва тупиқлари	Қўприқли муқолиши, тор кўчаси ва берк кўчалари	Асосий кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида	17.	Шпильков тупиғи	Қамол Жалил кўчаси	Республика медицина тараққиётига катта ҳисса қўшган. 300 га яқин илмий асарлар муаллифи, профессор, тиббиёт фанлари доктори. Шу кўчада яшаган
24.	Кронштатская кўчаси	Қиялик кўчаси	Кўча қияликда жойлашганлиги учун	18.	Леваневский кўчаси	Бешчинор кўчаси	Рамзий маъно. Кўча номини миллийлаштириш мақсадида
25.	Михаил Кошелев кўчаси	Обишир кўчаси	Катта сув маъносиди. Қорасув ариғига уйғунлаштирилмоқда	19.	Шмидт кўчаси	Богидил кўчаси	Жой қадимда бог-роғ бўлганлиги учун
26.	Михаил Кошелев 1-проезди, 1-2 тупиқлари ва 1 муқолиши	Обишир 1-тор, 1-2 берк, муқолиши кўчаси	Бир-бирига туташ кўчалар уйғунлаштирилмоқда	20.	ИТР кўчаси	Мухандислар кўчаси	Ушбу кўчада асосан мухандислар истиқомат қилишди
27.	Невский кўчаси	Бойқўрғон кўчаси	Қашқадарёдаги жой номларидан бири. Туман ушбу вилоят билан биродарлашгани инобатга олинмоқда	21.	Стаханов кўчаси	Аския кўчаси	Жойнинг тарихий номи
28.	Невский проезд, муқолиши, тупиғи	Бойқўрғон тор, муқолиши ва берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	22.	Голубой проезд	Мавжуда Абдурахмонова кўчаси	Катта Фарғона ва Тошкент канали қурилишига 400 аёлни жалб этиб, улarga раҳбарлик қилган. Таниқли тўқувчи
29.	Завкомовская кўчаси	Суллола кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида	23.	Қизил Ўзбекистон кўчаси	Тошбулоқ кўчаси	Кўча номини миллийлаштириш мақсадида Амир Темури сув ичган булоқ номи
30.	Завкомовская 1, 2, 3 муқолиши	Суллола 1-3 тор кўчаси	Бағри кенглик маъносиди. Ёндош кўчаларга мантиқан боғланмоқда	24.	Роза Люксембург кўчаси	Зарбоғ кўчаси	Жой қадимда бог-роғ бўлганлиги учун
31.	Замарин кўчаси	Қўламли кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда				
32.	Воровский проезд	Бештерак кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида, Гоголь ва С. Азимов кўчаси оралиғидаги кўча. Асосий Воровский кўчаси аввал Элбек номи билан ўзгартирилган				
33.	Юлиус Фучик кўчаси	Тўйтепа кўчаси	Кўча Тўйтепа йўналишида бўлганлиги учун				
34.	Динамо кўчаси	Ширмонбулоқ кўчаси	Нон тури. Кўчада асосан новвойлар истиқомат қилишди				
35.	Петерс кўчаси	Ўткир Расул кўчаси	Йирик геолог-палеонтолог олим, профессор. Шу кўчада яшаган				
36.	Петерс 1-тор кўчаси	Ўткир Расул 1-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида				
37.	Петерс 2-тор кўчаси	Ўткир Расул 2-тор кўчаси	Бир-бирига туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида				
38.	Айриев кўчаси	Чилонота кўчаси	Жойнинг тарихий номи				
39.	Солдатенко кўчаси	Қашқадарё кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида				
40.	Солдатенко проезд ва тупиқлари	Қашқадарё тор ва берк кўчалари	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида				
41.	Шумилов шаҳарчаси	Пулмас даҳаси	Жойнинг тарихий номи				

ЧИЛОНЗОР тумани:

1.	Смольный кўчаси	Жилонота кўчаси	Жойнинг тарихий номи
2.	Ленин ўқуни кўчаси	Риски Ражабов кўчаси	Ўзбек мусика санъатининг таниқли намояндаларидан бири, Республикада хизмат курсатган артист. Шу кўчада яшаган
3.	Ленин ўқуни 1-2 тупиғи	Риски Ражабов 1-2 берк кўчаси	Бир-бирига туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
4.	Е. Кондратьев кўчаси	Катортол тор кўчаси	Мавжуд асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида
5.	Е. Кондратьев 1-тор кўчаси	Катортол берк кўчаси	Бир-бирига туташ кўчаларни уйғунлаштириш мақсадида
6.	Жапаридзе кўчаси	Терсарик кўчаси	Жойдан ўтадиган ариқнинг қадимги номи
7.	Пионер кўчаси	Арсасой кўчаси	Жарлик сой маъносиди. Кўча Бўрихор ариғи бўйлаб кетиши эътиборга олинган
8.	Ян Рудзутак кўчаси	Лабивовуз кўчаси	Жой номини миллийлаштириш мақсадида
9.	Сун Ят-сен кўчаси	Тўпқайроғон	Жойнинг тарихий номи
10.	Сун Ят-сен 1-3 проезд, 1-3 тупиғи	Тўпқайроғон 1-3 тор, 1-3 берк кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида
11.	Шаумян кўчаси	Қирқоғайни кўчаси	Ўзбек қавмлари номларидан бири
12.	Погодин кўчаси	Ҳисарак кўчаси	Ёндош Заркент кўчасига мантиқан боғлаш мақсадида
13.	Иван Франко кўчаси	11-Катортол кўчаси	Маҳалла номи билан уйғунлаштирилмоқда. Жойнинг тарихий номи
14.	Шевурдин кўчаси	Сўғаллиёта кўчаси	Жойнинг тарихий номи
15.	Белов кўчаси	Шош кўчаси	Жойнинг қадимги номи
16.	Белов тор ва берк кўчалари	Шош тор ва берк кўчалари	Асосий кўчага уйғунлаштирилмоқда

ЯҚҚАСАРОЙ тумани:

1.	Першин кўчаси	Оқйўл кўчаси	Кўча бўйлаб поезд йўли ўтиши назарда тутилди қўйилмоқда
2.	Першин 1-тор кўчаси	Оқйўл 3-тор кўчаси	Асосий кўчага уйғунлаштириш мақсадида. 1 ва 2 тор кўчалар Миробод ҳудудидида
3.	Крупичный берк кўчаси	Абдулла Қаҳҳор 2-берк кўчаси	Жойдаги Абдулла Қаҳҳор кўчаси билан уйғунлаштириш мақсадида

ЮНУСОБОД тумани:

1.	Гришин кўчаси	Бодомзор 3-кўчаси	Жой номи ва туташ кўча билан уйғунлаштирилмоқда
2.	Павленко кўчаси	Бодомзор 4-кўчаси	Туташ кўчалар номини уйғунлаштириш мақсадида
3.	Дербентская кўчаси	Норин кўчаси	Ўзбек уруғи номларидан бири
4.	Маркович кўчаси	Гулчилар кўчаси	Ушбу кўчада асосан гулчилар яшаётганлиги учун
5.	Краснопресненская	Зарбулоқ кўчаси	Икки томондан ўтадиган Бўзсув ва Салор ариқларига уйғунлаштирилмоқда
6.	Куйбишев колхоз кўчаси	Мирхалилота кўчаси	Биринчилардан жойга қўчиб келиб, уни обод қилган, элни бирлаштирган киши
7.	Плеханов кўчаси	Тепакўрғон кўчаси	Жойдаги Оқтепага уйғунлаштириш мақсадида
8.	Гризадубова кўчаси	Шухрат кўчаси	Ўзбек адабиётининг етук намояндаларидан бири
9.	Пархоменко кўчаси	Раисқўча	Жойда шу номи маҳалладан қўчиб келганлар яшайди
10.	Котовский кўчаси	Богизрам кўчаси	Жой бог-роғ бўлганлиги учун
11.	Интернациональная кўчаси	Қирқийигит кўчаси	Жой номига миллий тус бериш мақсадида
12.	Аврора кўчаси	Юлдузқурлар кўчаси	Кўча Тошкент Обсерваторияси ёнидан ўтади. Халқ бу ерда ишлайдиганларни шундай деб аташган
13.	Чинобод кўчаси (Гвардейский)	Обид Зокиров кўчаси	Республика электртармоғи тараққиётига катта ҳисса қўшган. Шу кўчада яшаган

Тошкент шаҳридаги эски тузум ва коммунистик мафкурага оид мактаб номларини ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

№	Ҳозирги номи	Янги номи
1.	Зоя Космедемьянская номидаги 107-сонли ўрта мактаб	107-сонли ўрта мактаб
2.	Д. Манжара номидаги 175-сонли ўрта мактаб	175-сонли ўрта мактаб
3.	Фомин номидаги 27-сонли ўрта мактаб	27-сонли ўрта мактаб
4.	Фурманов номидаги 50-сонли ўрта мактаб	50-сонли ўрта мактаб
5.	Ўзбекистон ССР 40 йиллиги номидаги 209-сонли ўрта мактаб	209-сонли ўрта мактаб
6.	Дзержинский номидаги 221-сонли ўрта мактаб	221-сонли ўрта мактаб
7.	Куйбишев номидаги 279-сонли ўрта мактаб	279-сонли ўрта мактаб
8.	Карбишев номидаги 2-сонли ўрта мактаб	2-сонли ўрта мактаб
9.	Ленин номидаги 28-сонли ўрта мактаб	28-сонли ўрта мактаб
10.	Д. Шпильков номидаги 179-сонли ўрта мактаб	179-сонли ўрта мактаб
11.	В. Чапаев номидаги 42-сонли ўрта мактаб	42-сонли ўрта мактаб
12.	Я. Свердлов номидаги 80-сонли ўрта мактаб	80-сонли ўрта мактаб
13.	Н. Островский номидаги 17-сонли ўрта мактаб	17-сонли ўрта мактаб
14.	К. Маркс номидаги 31-сонли ўрта мактаб	31-сонли ўрта мактаб

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996. 16.08 даги 288-сонли Қарори ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996. 03.09 даги 259-сонли Қарорига кўра «Тошиссиққоммункуввати» ИЧБси ва «Тошиссиққиктармоғи» корхонаси база-сида қайд этилган ҳақиқий номлар асосида «Тошиссиққуввати» ИЧБси тузилди.

Шартномалар тузиш масаласи бўйича иссиқлик қувватини ўтказиш ва амалга ошириш бўлимига мурожаат қилинсин. Манзиллимиз: А. Толстой кўчаси 3-а, 2-бино, тел. 33-63-32, 33-02-06.

Шартномалар тузишда «Тошиссиққуввати» ИЧБга тегишли туманлар бошқармаси билан биргаликда тузилган аввалги шартнома ҳужжатлари бўлиши зарур.

Фуқаролар ва саноатга белгиланган биноларни иссиқлик билан таъминлаш масалалари бўйича туман бошлиқларига мурожаат қилинсин.

1. Миробод — Қўшқўприк кўчаси, 26-уй, тел. 91-23-63.
2. Чилонзор — Муқимий кўчаси, 172-уй, тел. 78-40-12.
3. Мирзо Улуғбек — Владимирский тор кўчаси, тел. 67-89-27.
4. Шайхонтоҳур — Абай кўчаси, 22-уй, тел. 44-26-33.
5. Юнусобод — Муродов кўчаси, 3-уй, тел. 21-21-57.
6. Яққасарой — Мирокитов кўчаси, 57-уй, тел. 55-71-81.
7. Сергели — Сергели-2 даҳаси, Т-40, 47-уй, тел. 58-09-95.
8. Собир Раҳимов — Қорақамиш даҳаси, 1/2; 6-уй, тел. 48-75-25.
9. Ҳамза — Кадишев кўчаси, 3-уй, тел. 96-35-02.
10. Акмал Икромов — Турсунқулов кўчаси, 95-уй, тел. 75-05-73.
11. Бектемир — Бойқаро кўчаси, 70-уй, тел. 90-49-59.

Авария ҳолатларида шаҳар диспетчерлиги таъминот бошқармасига мурожаат қилинсин. Тел. 33-32-32.

Шаҳар ва туман диспетчерлари кечаю кундуз ишлайди.

Тошкент шаҳридаги иссиқлик тармоқлари бошқарув тизими ўзгарганлиги, ўз вазифасига магистрал ва тақсимлаш тармоқларидан фойдаланишни киритувчи «Тошиссиққуввати» ИЧБ ташкил қилинганлиги сабабли 1996 йил 31 декабрдан «Тошиссиққармоқ» корхонаси томонидан аввал берилган барча техник шартларини қайта расмийлаштиришни тақлиф этади. Қайта расмийлаштирилмаган техник шартлар бекор қилинади.

Бизнинг манзиллимиз: 700000, Тошкент, Алексей Толстой кўчаси, 3-а, тел. 33-60-56.

GLANE INTERNATIONAL GROUP, ГФР;

WTCC WORLD TRADE CENTER COLOGNE, ГФР;

"ПАХТАКОР" республика бирлашмаси

Сизни

ITF UZBEKISTAN '96

халқаро кўргазмасига эҳтиром билан тақлиф этилади.

Кўргазма манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўч., 98А,

"Ёшлик" спорт комплекси

Иш вақти: 1996 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 дан 18.00 гача

1996 йил 25—28 сентябрь кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари раҳбарияти яна бир бор абонентлар, давлат корхоналари, ҳиссдорлик жамиятлари, фирмалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари эътиборига шу нарсани маълум қиладики, давлат, қўшама ёки ҳусусий корхоналарнинг номлари ўзгарган ҳолларда абонентлик номерини телефон тармоғидаги янги эгаси номига бир ой мuddат мобайнида қайтадан расмийлаштиришлари керак.

Корхона томонидан хонани ижарига берган ҳолларда абонентлик номерлари ижарига топширилмайди. Телефонни қайтадан расмийлаштириш мажбурийдир.

Абонентлик номери унинг эгасига мансублиги тўғри келмаганлиги аниқланган ҳолларда алоқа корхонаси абонентни беркитади. Ўзбекистон Республикасида шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси қоидаларига мувофиқ раҳбарият узиб қўйилган телефонни белгиланган қийматининг икки баравар ҳажмидаги ҳақ учун, яъни 36000 сўмга қайтадан расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиоллаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги про-филактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1996 йил 23 сентябрдан то 1996 йил 30 сентябргача Каспий, Черно-мор, Болтиқ кўчаларида истиқомат қилувчи 54/55-АТС абонент-ларида вақтинча алоқа бўлмайди.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиоллаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ректорати ва қасбда уюлмаси роман филологияси факультети декани муовини, француз тили фонетика кафедраси катта ўқитувачиси Аҳмад Тошевга отаси

Тошмуҳаммад ХОЛИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Тошкент таъмирлаш-қури-лиш» трести раҳбарияти ва трест жамоаси трест бошқарувчиси-нинг уриносари Жўра Юнусов-вич Мақсудовга акаси

Ғулом Юнусович МАҚСУДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Собир Раҳимов» савдо иш-лаб чиқариш ҳиссдорлик жамия-ти меҳнат жамоаси кекса савдо ходими, меҳнат факриниси

Хусниддин МУХИДИНОВНИЧ МУХИТДИНОВНИЧнинг вафот этганлиги муноса-бати билан маъруфнинг оила аъ-золари ва яқинларига чуқур таъ-зия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзиллимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-08-74,
факс: (3712) 33-08-74

Душанба, торшанба
ва ҳафта
кунлари чиқади.
Ҳафт кўрсаткичи
64690

Нашри етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлима-
рига ёки «Тошкент
почтасига 33-74-05» телефо-
нига мурожаат қилишингиз
мумкин.